

# НАМОЗДАН КЕЙИНГИ ДУО ВА ЗИКР ҲАҚИДА

05:00 / 04.01.2017 272731

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозларидан чиқсалар, уч марта истиффор айтар ва **«Аллоҳумма антассалом ва минкассалом таборакта яя залжалоли ва икром»**, дер эдилар».

Бошқа бир ривоятда: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам салом берсалар «Аллоҳумма антассалом...»ни айтиш миқдорича гина ўтирар эдилар», дейилган. Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

*Шарҳ:* Намозни ўқиб бўлиб салом бергандан кейин қимирламай туриб уч марта «Астағфируллоҳ» дейиш ва «Аллоҳумма антассалом»ни охиригача ўқиш ҳозирда ҳамма томонидан амал қилинадиган ишдир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлоси Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким, астағфируллоҳаллзии лаа илаҳа илла ҳува ал-ҳаююл қаююм ва атубу илайҳи» деса, уни мағфират қилинур, гарчи жангдан қочган бўлса ҳам», дедилар**». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Термизийнинг лафзида: **«Ким астағфируллоҳил азийм»** деса, дейилган.

*Шарҳ:* Ҳадиси шарифнинг ровийси Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Зайд ибн Ҳориса ибн Шураҳбил ал-Калбий, кунялари Абу Усома, Зайдни жоҳилият дариди, ўғирлаб келиб, сотилади. Кейин Зайдни Хадижа онамиз сотиб олиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиққанларида уни у зотга ҳадя қиладилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу қуллари Зайд ибн Ҳорисани озод қилиб, ўғил қилиб оладилар ва аммаларининг қизлари Зайнаб бинти Жахшга уйлантириб қўядилар. Қачонки Зайд, Зайнабни талоқ қилганларидан кейин, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайдни чўрилари Умму Айманга уйлантириб қўядилар. Бу хотинларидан Усома ибн Зайд туғиладилар.

Зайд ибн Ҳориса аввалгилардан бўлиб Ислонга кирадилар. Бадр, Уҳуд, Хандоқ, Хайбар маъракаларида иштирок этдилар. Бадр жангидаги мусулмонлар ғалабаси хабарини, Мадинага олиб келган зот, шу киши эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаммаси бўлиб, бу кишини еттита сарийа (қўшин)га амир қилиб тайинлаганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ичида, Зайд ибн

Ҳорисадан бошқа кишини исми, Куръонда зикр қилинмаган эди.

Бир куни Зайдни оталари билан амакилари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, ўғилларини беришликларини сўрашганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ихтиёрни Зайднинг ўзига берадилар. Зайд улар билан кетишга рози бўлмайди, балким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қолишликни ихтиёр қиладилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шу ерда ҳозир бўлганларга қарата:

«Эй, инсонлар гувоҳ бўлинглар, бу Зайд менинг ўғлим ва меросхўримдир», деб эълон қиладилар. Оталари билан амакилари буларни ораларидаги муҳаббатни кўриб, ҳеч нарса дея олмасдан, орқаларига қайтиб кетишади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу кишини яхши кўрар эдилар. Саҳобалар бу кишини Зайд ибн Муҳаммад деб, номлашар эди.

Зайд ибн Ҳориса ҳижратнинг 8-йили, Шомдаги Муъта ғазотида 55 ёшларида шаҳид бўлдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлоси, дегани озод қилинган қуллари деганидир. Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу жуда машҳур саҳобий бўлсалар ҳам фақат ушбу ҳадисни ривоят қилганлар, холос. Ушбу Термизий лафзини ҳамма қабул қилган.

Дуо маъноси, «Азийм Аллоҳга, Ундан ўзга ибодатга сазовор зот бўлмаган, тирик ва ўта қоим бўлган Аллоҳга истиғфор айтаман ва унга тавба қиламан».

Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳунинг мавлолари Варрод розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Муғира Муовияга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозларидан фориғ бўлиб, салом берсалар: **«Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайин қодийр. Аллоҳумма лаа монеъа лимал аътайта ва лаа муътия лимаа манаъта ва лаа янфаъу зал жадду миннал жадду»**, дер эканлар» деб хат ёзди». Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

*Шарҳ:* Аввало ҳадиси шарифнинг ровийси Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Бу зотнинг тўлиқ исмлари Муғийра ибн Шўъба ибн Абу Омир ибн Масъуд ибн Муаттиб ибн Молик ибн Каъб ибн Амр ибн Саъд ибн Авф ибн Қайсдир. Хандақ жанги бўлган йилида Исломга кирганлар. Ҳудайбийя сулҳида иштирок этганлар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида у киши Басрага волий қилиб тайинлаганлар. Сўнгра Куфага волий этиб тайинландилар.

Ҳазрати Усмон замонларида волийликдан бўшаб, Ямома, Шом фатҳларида

иштирок этдилар. Кейинчалик Ямрук ва Қодисия, Наҳованд жангларида қатнашдилар.

Муғийра ибн Шўъбадан саҳобалардан Абу Амома Боҳилий, Масвар ибн Муҳрама, Қуррату ал-Мазнийлар, тобеинлардан фарзандлари Урва, Ҳамза, Аққор, мавлолари Варрод, Масрук, Қайс ибн Абу Ҳозим, Абу Воил ва бошқалар ҳадислар ривоят қилганлар.

У зот биринчи бўлиб Басрада девон-мирзахона ташкил қилган эдилар.

Муғийра ибн Шўъба ҳижратнинг 50-йилида Куфада вафот этдилар.

Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу халифалик вақтларида машҳур саҳобий Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳудан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам намоздан фориғ бўлиб, салом берганларидан кейин ўқийдиган дуолари ҳақида хабар беришни талаб қилганларида у киши ушбу ривоятда келтирилган маънодаги хатни ёзган эканлар.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовар зот йўқ. Унинг Ўзи ёлғиздир, шериги йўқдир. Мулк Уникидир. Ҳамд Уникидир. У ҳар бир нарсага қодирдир. Эй бор Худоё, Сен берган нарсани манъ қилувчи йўқ. Сен манъ қилган нарсани берувчи йўқ. Сендан бўлган иқобни қайтарувчи йўқ».

Кўпчилик кишилар ушбу набавий дуони ёдлаб олиб, ўқиб юрадилар. Билмаганлар ёдлаб олсалар яхши бўлур.

Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«(Намоз) ортидан келувчиларни айтувчилар ёки қилувчилар ноумид бўлмаслар. Ҳар бир намоз ортидан ўттиз учта тасбиҳ, ўттиз учта ҳамд ва ўттиз тўртта такбир», дедилар**». Муслим ва Термизий ривоят қилган.

*Шарҳ:* Ушбу ҳадисда зикр қилинган ҳар бир намоз ортидан ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамду лиллаҳ», ўттиз тўрт марта «Аллоҳу акбар»ни зикр қилиш, кейинги ривоятларда келадиган зикрлар ила уйғунлашиб татбиққа кирган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Муҳожир фақирлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Кўп молли кишилар даражотларни ва доимий неъматни олиб кетдилар», дейишди. У зот: «У надир?» дедилар. Улар: «Биз намоз ўқиганимиздек, намоз ўқирлар. Биз рўза тутганимиздек, рўза тутирлар. Улар садақа қилурлар. Биз садақа қила олмасмиз. Улар қул озод қилурлар, биз озод қила олмасмиз», дедилар.

Бас, У зот: «Сизни ўзингиздан олдингиларга етиб олишингиз, ўзингиздан кейингилардан ўтиб кетишингизга сабаб бўладиган, сиздан ҳеч ким афзал бўлмайдиган, фақат сиз қилганни қилсагина бўладиган нарсага далолат

қилайми?» дедилар. Улар: «Ҳа, эй, Аллоҳнинг Расули», дейишди. У зот: «Ҳар намоздан кейин ўттиз уч марта тасбиҳ, такбир ва ҳамд айтасиз», дедилар. Абу Солиҳ: «Муҳожир фақирлар яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига қайтиб келиб: «Аҳли мол биродарларимиз биз қилган нарсани эшитиб қолиб, ўшанга ўхшаш ишни қилдилар», дейишди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ул Аллоҳнинг фазлидир, хоҳлаган кишисига берур», дедилар». Тўртовлари ривоят қилишган.

*Шарҳ:* Ушбу ҳадисда мусулмонларнинг биринчи авлодига хос бир фазийлат устида сўз кетмоқда. У ҳам бўлса, савоб иш қилишда бир-биридан ўтишга бўлган ҳаракат ва унга эришиш йўллари излашдир.

Фақир-мискинликлари туфайли бой-бадавлатларга ўхшаб садақа қила олмай, қул озод қила олмай юрган муҳожир саҳобалар қандоқ қилиб кўпроқ ажру савобга эга бўлишлари мумкинлигини сўраб келишди. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни намоздан кейин зикр қилишга иршод қилдилар.

*Келинг ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдаларни бир бошдан кўриб чиқайлик:*

1. Кўп савоб олаётган кишиларга ҳавас билан қараш мумкинлиги.
2. Биладиган кишилардан қандоқ қилиб савоб олиш мумкинлиги ҳақида сўраш мумкинлиги.
3. Садақа ва қул озод қилиш кўп ажр келтириши.
4. Ҳар намоздан кейин ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», «Алҳамдулиллаҳ» ва «Аллоҳу акбар»ни зикр қилиш, кўп мол садақа қилиш ва қул озод этишдан ҳам кўпроқ савобга сабаб бўлиши.
5. Муҳожир фақирларнинг иложи борича кўпроқ савоб олишга интилиши кераклиги.
6. Исломда шукрли бой камбағалдан яхшилиги.

Абу Довуд: «Ва уни, **Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр**» билан тугатирсан» жумласини зиёда қилган.

*Шарҳ:* Зотан ушбу мазкур икки ривоятдаги зикрни қўшиб қилиш йўлга қўйилган.

Термизий лафзида: «Ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамду лиллаҳ», ўттиз тўрт марта «Аллоҳу акбар» ва ўн марта «Лаа илаҳа иллаллоҳу», денглар», дейилган.

Муслим ривоятида эса: «Ким ҳар намоздан кейин, ўттиз уч марта Аллоҳга тасбиҳ айтса, ўттиз уч марта Аллоҳга ҳамд айтса, ўттиз уч марта Аллоҳу акбар», деса ҳаммаси тўқсон тўққиз бўлур, юзтанинг тамом бўлиши: **«Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шаъий қодийр»**ни айтса унинг гуноҳлари денгиз кўпиклари каби бўлса ҳам мағфират қилинур» дейилган.

*Шарҳ:* Имом Муслимнинг ривоятига аввал ёки охирида «Оятал Курсий»ни кўшиб ўқишни сўфийлар жорий қилганлар. Буни, сўфийлар хатми, деб номланади. Бу нур устига нур дейилади. Чунки, «Оятал Курсий Қуръони Каримдаги энг улуғ оятдир. Ушбу хатмни қилиш бизда ҳам жорий бўлиб келаётган нарсадир.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жувайриянинг олдидан чиққанларида У ўз намозгоҳида эди. Қайтиб кирганларида ҳам, у ўз намозгоҳида эди. Бас, У зот: «Ҳали ҳам ушбу намозгоҳингдамисан?» дедилар.

«Ҳа!» деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен сендан кейин тўрт калимани уч марта айтдим. Агар сен айтган нарса билан тортилса ортиқ келур: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи адада халқиҳи, ризо нафсиҳи ва зината аршиҳи ва мидода калиматиҳи», дедилар». Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

*Шарҳ:* Ушбу ҳадисда номлари келган Жувайрия бинти ал-Ҳорис онамизнинг исмлари аслида Барра бўлган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини Жувайрия деб, марҳамат қилганлар. Ўша киши зикр билан кўп машғул бўлишлари ушбу ривоятдан маълум бўлиб турибди. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг олдиларидан чиқаётганларида ҳам намозгоҳларида ўтириб олиб зикр қилаётган эканлар. У зот ташқарида ишларини битириб қайтиб келсалар ҳам ўша жойда ўтириб олиб зикр қилаётган эканлар. Шунда Расулу Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳали ҳам ушбу намозгоҳингдамисан?» дедилар.

«Ҳа!» дедилар, Жувайрия онамиз зикрни муттасил давом этдираётганларини тасдиқлаб.

Ана шунда Расулу Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам зикр билан зикрнинг фарқи борлигини, баъзи бир зикрни Жувайрия онамизга ўхшаб узоқ муддат ва кўп такрорлагандан кўра, бошқасини оз такрорлаб кўп савоб олиш мумкинлигини баён қилдилар:

«Мен сендан кейин тўрт калимани уч марта айтдим. Агар сен айтган нарса билан тортилса, ортиқ келур», дедилар.

Яъни, мен сенинг олдиндан чиқиб кетганимдан буён ҳозиргача сен айтаётган зикрнинг савобини торозунинг бир палласига, мен уч марта

айтган тўрт калиманинг савобини бошқа палласига қўйилса, менинг айтганларимнинг савобининг оғирлиги босиб кетади, деганлари.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтган калималарининг маъноси:

«Аллоҳга махлуқотлари ададича, Унинг Ўзи рози бўладиганча, аршининг оғирлигича ва калималарининг оғирлигича поклаш ва ҳамд бўлсин».

*Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:*

1. Жувайрия онамиз намозгоҳда ўтириб зикр қилаётганларидан сўз, намоз ортидан қилинадиган зикр тўғрисида кетаётганини тушиниб оламиз.
2. Жувайрия онамизнинг зокира аёл эканликлари.
3. Зикр билан зикрнинг орасида фарқ борлиги.
4. Зикрни устоздан ўрганиш яхши эканлиги.
5. Зикрни ўзича қилаётган одамда камчилик бўлса, биладиган одам тўғрилаб қўйиши зарурлиги.
6. Ушбу ривоятда келган зикрнинг ўта фазийлатли ва савоби кўп эканлиги.

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг қўлларидан ушлаб: «Эй, Муоз, Аллоҳга қасамки, албатта, мен сени яхши кўрурман. Эй, Муоз, мен сенга ҳар бир намоздан кейин, «Аллоҳумма аъинни ала зикрика ва шукрика ва ҳусни ибодатика» демоқлигингни тарк қилмасликни тавсия қиламан», дедилар». Абу Довуд ва Насай ривоят қилган.

*Шарҳ:* Ушбу ривоятдаги дуонинг маъноси: «Эй, бор Худоё, менга зикрингни, шукрингни ва ҳусни ибодатингни қилишга Ўзинг ёрдам бергин».

*Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:*

1. Муоз ибн Жабал розияллоҳу анхунинг фазийлатлари.
2. Бировни яхши кўрган одам муҳаббатини изҳор қилиб айтиши мумкинлиги.
3. Талаб қилинмаса ҳам маънони таъкидлаш учун қасам ичиш мумкинлиги.
4. Устоз ўз шогирдига сўрамаса ҳам зикрни ўргатиб бориши кераклиги.
5. Ушбу зикрнинг фазли ва уни намоздан кейин айтиб юриш

зарурлиги.

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга ҳар бир намоздан кейин «Муъаввизатони»ни ўқимоқлигимни амр қилдилар». «Сунан» эгалари ва ал-Ҳоким ривоят қилган.

*Шарҳ:* «Муъаввизатони» – «Қул аъзузу бироббил фалақи» ва «Қул аъзузу бироббин наси» сураларидир.

Демак, намоздан кейин ушбу икки муборак сурани ўқиб қўйиш ҳам яхши экан.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишига: «Намозда қандоқ (нарсани) айтасан?» дедилар.

«Ташаҳҳудни ўқийман ва «Аллоҳумма иннии асъалукал жанната ва аъзузу бика минаннар», дейман. Аммо, мен сизнинг пичирлашингизни ҳам, Муознинг пичирлашини ҳам эплай олмайман», деди.

Бас, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биз ҳам шунга ўхшаш пичирлаймиз», дедилар».

Бошқа бир ривоятда келишича: «Албатта, мен ҳам, Муоз ҳам ана ўша иккови атрофида пичирлаймиз», дедилар». Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилган.

*Шарҳ:* Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, Мен ҳам, Муоз ҳам ана ўша иккови атрофида пичирлаймиз, деганлари жаннат ва дўзах ҳақида сўраймиз, деганлари.

Мазкур саҳобий розияллоҳу анҳунинг дуолари маъноси: «Эй, бор Худоё, албатта, мен Сендан жаннатни сўрайман ва дўзахдан паноҳ беришингни тилайман».

*Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:*

1. Баъзи вақтда раҳбар ва устоз ўз атбоъ ва шогирдларини имтиҳон қилиб, сўраб суриштириб туриши зарур экани.
2. Намозда жаннатни сўраб ва дўзахдан паноҳ тилаб дуо қилиш мумкинлиги.
3. Намозда дуони пичирлаб қилиниши.
4. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўта тавозеъли эканликлари ва ўша кишининг дуосини тасдиқлаганлари.

## **ХУЛОСА**

Ушбу фаслдаги келган зикр ва дуолар намоздан кейинги зикр ва дуоларнинг баъзи намуналаридир. Албатта, бундан бошқалари ҳам бор. Биз билмайдиган дуоларимиз бўлса, ўрганиб олишимиз керак. Чунки, дуо ва зикрни суннатга мувофиқ бўлишининг фойдаси катта.